

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ - МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ
БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ ТАРБИЯ МАСКАНИ****Матмусаева Мухайё***ўқитувчи,**Фаргона давлат университети*

Аннотация: *Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошлангич бўғини сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ташиқил этилади.*

Мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташиқилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишига тайёрлаш- да ота- оналарга ёрдам беради.

Калит сўзлар: *таълим, мактабгача таълим, тарбия, инновация.*

Мактабгача таълим муассасаси узлуксиз таълим тизимининг биринчи босқичи, ижтимоий тарбиянинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаси болаларни тарбиялаш, қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, уларни мактабга тайёрлашда етакчи ўрин тутаети.

Мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республика Халқ таълими вазирлиги қарорлари, буйруқлари, фармойишлари, «Мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом ҳамда ўз Низомига амал қилаети.

Мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, бу борада болалар ва ота- оналар ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларига риоя қилиш учун масъулдир.

Тарбия – кишилик жамиятининг барча босқичларида шаклланиб, ривожланиб, ўсиб, авлоддан-авлодга ворислик вазифасини бажариб келган бўлса-да, аммо ҳар бир жамиятда тарбиянинг мазмуни мақсади, вазифалари, ўзига хослиги билан фарқланади.

Тарбия ижтимоий ҳаёт учун зарур ҳодиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар тизимини, малака ва кўникмаларини махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бериш ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама шаклланган етук инсон қилиб тарбиялашни мақсад қилиб кўяди.

Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш муаммолари дастлаб халқ оғзаки ижоди, педагогикаси, ёзма ёдгорликларда, пандномаларда мутафаккир ҳамда маърифатпарварлар асарларининг бош мавзусини ташиқил этган.

Абдулла Авлоний тарбия ҳақида гапирар экан, ҳақли равишда шундай деган эди: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё садоқат - ё фалокат масаласидир».

Демак, тарбия ва одоб Ватанга чексиз муҳаббат, имон-этиқод, меҳр-мурувват, ростгўйлик, адолатгўйлик, самимийлик, меҳнатсеварлик ва билимдонлик каби ғоялар воситасида шаклланиб боради.

Таълим – болаларга билимни тартибли баён қилиш жараёни бўлиб, муайян кўникма ва малакаларни сингдириш, уларнинг онги ва хулқига таъсир этиш, ақлини, онгини, идрокини, дунёқаришини, эътиқодини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир.

Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён бўлиб ва ўқитишни ўз ичига олади.

Ўқитиш – педагогик фаолият бўлиб, билим малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир. Турли типдаги мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномалар асосида амалга оширилади. Уларнинг мазмун-моҳияти «Мактабгача таълим тўғрисида» Концепция ва «Мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низомда ҳам батафсил баён этилган.

Мактабгача таълим муассасасида амалдаги қонунчиликка биноан болаларга тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Тиббий ёрдам муассасага бириктирилган соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимлари ёки муассасада ишлайдиган тиббиёт ходимлари (врач ва ҳамширалар) томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт ходимлари муассаса маъмурияти билан бир қаторда, болаларнинг саломатлигини муҳофаза этиш ва жисмоний ривожланишини таъминлаш, даволаш ва профилактика тадбирларини ўтказиш, тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг санитария-гигиена ҳамда кун тартиби қоидаларига риоя қилишлари, озиқ-овқат ва таомларнинг сифати, болаларнинг жисмоний ва ақлий зўриқмаслиги учун масъулдирлар.

Мактабгача таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган кўп вариантли таълимий дастурлардан бирини танлаш ҳуқуқига эга. Мактабгача таълим муассасаси тарбиявий таълим муассасаси бўлиб, ижтимоий вазифалар билан бир қаторда концепция, низом ва дастурига мувофиқ, малакали таълим-тарбия беришни таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасаси ўз дастури ва иш услубларини ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятда қўллаш ҳуқуқига эга. Уларни тасдиқланган тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича услубий қўлланмаларни эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилиш ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун янги типдаги, йўналишдаги мактабгача таълим муассасаларини тузиш республика халқ, таълимини бошқариш ва соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Матмусаева, М. А. (2017). Оилада болаларни меҳнатга ўргатиш. *Молодой ученый*, (4-2), 23-24.
2. Матмусаева, М. А. (2016). ТАЛАБАЛАР ПОРТФОЛИОЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ШАРОИТЛАРИ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 9, pp. 129-131). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
3. Матмусаева, М. А. (2016). ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ХАРАКТЕРИ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 9, pp. 127-128). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
4. Zukhrakhon, B. (2021). About the analysis of the potential of teaching staff in monitoring preschool education. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1120-1126.
5. Botirova, Z. A. (2019). THE THEORETICAL ANALYSIS OF THE APPICATION OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE FIELD OF PRESCHOOL EDICATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 266-269.
6. Ergashevna, K. M. (2021). Factors for improving the quality of education in primary schools of non-state educational institutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 792-796.
7. Khallokova, M. E. (2018). Important Aspects of Establishing Non-State Educational Institutions. *Eastern European Scientific Journal*, (2).
8. Халлокова, М. (2022). Нодавлат таълим муассасаларида таълим тизимини модернизациялаш. *Общество и инновации*, 3(1), 151-157.
9. Khallokova, M. E. (2021). CRITERIA FOR NON-EDUCATIONAL INSTITUTIONS TO IMPROVE THE QUALITY OF EDUCATION. *World Bulletin of Social Sciences*, 5, 52-55.
10. Makhmuda, Q., & Maftuna, K. (2020). Creative tasks in mathematics lessons in primary classes. *Proceeding of The ICECRS*, 6, 398-400.
11. Adkhamjanovna, Q. M. (2020). Development of creative abilities in primary schools using ICT. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 807-811.